

Дунё мотуридийшунос олимлари Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирмоқда



11:56 / 19.03.2025 1133

Шу кунларда жуда ҳам қувончли хабар эшитдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари “Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилгани, шу муносабат билан кўплаб илмий-маданий тадбирлар, жумладан, “Мотуридийлик - бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти” мавзусида халқаро анжуман ўтказилиши мени бағоят мамнун қилди.

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари ҳанафий-мотуридий таълимоти атрофида бирлашган туркий давлатлар етакчилари орасида Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимотига энг катта эътибор қаратиб келаётган давлат раҳбари сифатида алоҳида ажралиб турибди.

Бунинг учун мен Президент жаноби олийларига чин қалбдан самимий миннатдорлик билдираман.

Имом Мотуридий Аллоҳ таоло томонидан инсониятга берилган энг улўф инъом, бебаҳо тухфадир. Зотан, у бағрикенглик ва мўътадилликка асосланган қарашлари, маърифий ғоялари билан нафақат ислом цивилизациясига, балки умумбашарий тамаддунги бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломадир. Унинг тафаккури марказида инсон эрки, ақл ва илм туради.

Аллоҳ таоло инсонни энг гўзал суратда яратган. Инсон ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ мавжудотдир. Барча инсонлар Одам Атонинг фарзандлари бўлгани сабабли, инсонийлик жиҳатидан ўзаро биродар ҳисобланадилар. Улар орасидаги мусулмонлар динда ҳам биродардирлар. Инсонларнинг ўзаро устунлиги ахлоқий фазилатлар, таълим-тарбия билангина ўлчанади.

Президент Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг Имом Мотуридий таваллудини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори алломаларга юксак эҳтиром ифодаси ўлароқ, ёш авлодни мутаассиб оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Зеро, X асрда мўътадил таълимотни инсониятга тарғиб қилган Имом Мотуридийни хотирлаш орқали бугун жамиятда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилаётган тинчлик, бағрикенглик, мўътадиллик маданиятини таъминлаш сари муҳим қадам қўйилади.

Умрининг катта қисмини Имом Мотуридий ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишлаган бир инсон сифатида, мен бу борада ҳар қандай вазифага ҳисса қўшишни шараф деб биламан.

Сўнмез Кутлу,

Туркиянинг Анқара университети профессори,

мотуридийшунос олим